


НА МЕЪЁР БОР, НА СУРЪАТ

ЎЗ



Танишинг: янги номлар

ҒАЛАТИ ОДАМЛАР



АКБАР МИРОНОВ 1979 йилдан буюн Пискент ноҳиясидаги «Мехнат байроғи» рўзномасида хизмат қилади. Унинг ҳикоялари ноҳия рўзномасидан ташқари «Эзо-

кистон адабиёт ва санъати» ҳафталиги ҳамда «Еш Ленинчида» босилган.

Яқинда ўтказилган жумҳурият ёш ёзувчиларининг VI сессияси-кечасида Акбарнинг ҳам дастлабки наصريй тўплами муҳофама қилиниб, тақрибли адиб ва адабиётшунослар томонидан яхши баҳоланди.

Қуйида сиз ёш қаламшанинг рўзномасида тақдир этган кичик ҳикояси билан танишасиз.

дан ташқари, «Қўлқопинг қани», «Бўйинбоғини нега тақмадинг» деб тегашгани-тергашгани. Оғаси бўлса, уни боғчага жўнатаркан: «Уғлим, кўчадан эҳтиёт бўлиб ўт, болача билан уришмагин, дедя кунни такрорлагани-такрорлагани. Нима, у ёш болами? Боғчада ҳам аҳвол шу. «Нега овқатингни емадинг?», «Шовкин солманглари!», «Уйинчоқини ерга ташламаглари!» Эҳ, бу гаплар қачон тугаркин-ат Тоҳир ҳам кичик акасига ўхшаб ахмалак отишини, ченачеда учушини, қордан катта қорбобо асасини орзу қилади. Уни ўз қоллига қўйишга ниди эди...

Ақаси қолхоз автомашинасини ҳайдай бошлади-ю, дарров ўзгариб қолди. Тоҳирини ҳар кун шу машинада боғчага олиб борадиган бўлди. Баъзан иложини топса кечкурун ҳам уни ўз билан олиб қайтади. Тоҳирга мазе: ҳар кунини машинада «кетайсиз» қилди.

Ҳар кунини боғчага боришга-аганида ақаси уни саволга тутди:

— Полвон, ишлар қандай? Тарбиячи Нафиса опанг сени уришмаётинми?

Тоҳирнинг ақаси баъзан оғир ҳаёлга ботади, ақба-ақба чўқур «уҳ» тортади. Нима бўлдикин, ақаси бирон-бир касалга чалиндиникини? Кейинги пайтларда Нафиса опаси ҳам унга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди. Доим эркалатиб, энг яхши ўйинчоқларини унга беради. Эрталаб ақаси билан келганида ҳам дарров пешвоз чиқади. Тоҳирни ўзи етаклаб ичкарига олиб киради. Наҳотки, у ҳаммага ақадиган ширин бола бўлиб қолган бўлса!

Ақасининг касали эса тобора кучайиб боради. У энди боғча атрофидан ўзоққа кетолмайдиган одат чиқарди. Машинаси ҳам боғча яқинида тез-тез бўлиб қолади. Боғча опаси ақасининг машинаси овозини эшитиши билан ўзини

қўйишга жой тополмай типирчилаб қолади, даразадан ўринча нигоҳ ташлайди, ҳам-касбларидан уялиб, баъзан ўзини ичкарига уради. Наҳотки, ақасининг касалига Нафиса опаси сабабчи бўлса...

Бир кун ақаси Тоҳирнинг қўлига бир парча хат тутқазиб, уни Нафиса опасига бериб қўйишни тайинлади-да:

— Сендан илтимос, фақат ҳеч ким кўрмасин, — деб қўшиб қўйди.

Хатини боғча опаси энтикиб ўқиб чиқди. Сўнг юзлари «лов» этиб қизарди. Қувончдан порлаган кўзларини Тоҳирдан олиб қочди. Бирон ёмон иш қилиб қўйган боладек то кеч бўлгунча унга тик қарай олмади...

Яқинда Тоҳир онасидан қизик гап эшитди. Боғча опаси уларнинг уйига келин бўлиб келармики. Қизик, Нафиса опасининг ўз уйи, ота-онаси бўлса, Тоҳирларникига келиб нима қилади? Катта одамларнинг фазли қизик-да! Тагин улар болавларнинг устидан кулишди.

Тоҳир яна бир масалада ҳайрон: Нафиса опаси уларникига келса, ақасининг касали тузалиб кетармикан?

Ақбар МИРОНОВ.

ҚИЗЛАР

БЕЛЛАШУВИ

КУНИ КЕЧА Бўстонлиқ ноҳияси комсомол кўмитаси ташаббуси билан Ғазалкент маданият саройида илк бор «Иқбол» кўрик-конкурси ўтказилди. Унда Чорбоғ 1-ноҳия касалхонаси рўйхатчиси Юлдуз Олтоева, Ғ. Ғулмон номидан 22-ўрта мактаб ишчиси Нарғиза Тешабоева, Ғазалкент шаҳар консерва заводининг ишчиси Сурайё Маннопова, Валихонов номидан 5-ўрта мактаб пионерлари сардори Юлдуз Тулганова, Товоқсой маънавий химия ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Рихси Махмадасуллоевлар ўзaro беллашди.

Беллашув беш шартдан иборат бўлиб, дастлабкини «Муаммо, муаммо» деб номланди. Унда қизлар ноҳия маданият-маънавий шароитига мансуб бўлган нуқсонларини ўзлари таъйинлаб, кўргазма орқали ўқир «эти» остига олишди. Қолган шартлар дастурхон тузатиш, қўйиш қўйлаш ёни рақсга тушиб, пазандалик сингари аёлларга хос бўлган фазилатлар намоёнлигини иборат бўлди.

Ҳакамлар ҳайати аъзолари — ноҳия фирми кўмитасининг котибаси Кимё Насриддинова, Ғазалкентдаги 17-болалар муносиқа мактабининг ўқитувчиси Ўсман Бадриддинов, «Гулёр» халқ фольклор ансамблининг бадий раҳбари Назолат Нуримова, ҳўналик ҳисобидида умумий оватларнинг қорқонаси ҳодими Эътибор Мирбоёева, 40-хўнар-техника билим юртининг катта ўқитувчиси Нафиса Бўриева қизларнинг бажарган ҳар бир шартларини диққат билан қўзатиб, муносиб баҳолашди.

Шу мазмундаги хатларни Ўзбекистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунист Ешлар уюшмасидан ҳам йўллашган.

Айни пайтда Д. Яҳёевдан наҳот истаб нафизат ўзбекистонликлар, балки қардош Латвия, Томен, Қозғистон жумҳуриятидан ҳам келиб, даволинигапти.

«Хасков» совхозининг агрономи, ипакчилик бўйича бош муҳассиси, 1983 йилдан бери партия аъзоси Дилдора Яҳёева кишилар саломатлиги йўлида тинмай меҳнат қилокда, жон қўйдиришда. Ўз ёрдамида хасталикдан халос бўлаётганларни кўриб эса ўзини тетик, бардам ҳис қилокда.

Р. УСМОНОВА.

Суратда: (чапдан) опа-сингил Муяссар Ибрагимова, Дилдора Яҳёева, Мукамбар Хусанбоёвлар.

М. Назаров сурати.

Балоғатга етмаганлар учун

Қирибдай фойдаланишга топширилган 4 қаватли янги тураклар бўлимини 1-қаватидидаги кўп хонали квартиранинг эшигига «Усмирлар клуби» деган лавҳа илди. Мазкур хона ноҳия комсомол кўмитаси ҳамда турак-жойлардан фойдаланиш бошқармаси томонидан жиҳозланди. Техник тўғрарак очилди, турли жисмоний машғулотлар ўтказиш учун шароит яратилди.

Шунингдек Тузель қишлоқ советида янги мактаб қуриб қўйиш ишлари муносибати билан 19-ўрта мактабининг икки қаватли эски биноси балоғатга етмаган ёшлар ихтиёрига берилди. Бу ерда ҳам турли тўғрараклар ишлаб турибди.

Янги очилган техник тўғраракларга кўпроқ ноҳия ички ишлар бўлимида хисобда турган ўқитиларни жалб қиламиз, — дейди ноҳия кўмитаси балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комитетининг котиби Р. Верпичка.

Бу ва шунга ўхшаб тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг ўтган ўйи мобайнида балоғатга етмаганлар ўртасида жиноят содир қилиш ноҳияда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли икки баробар камайди.

Р. ИНОГОМОВА.

Ноёб қобилиятли кишилар

Экстрасенслар — ноёб қобилиятли кишилар билан бир неча бор суҳбатлашганмиз. Уларнинг айримлари ҳақида рўзномалар мақолавлар ҳам уюштирдик.

Телевизион орқали кўрсатувлар тайёрладик. Бироқ уларга хасталик билан мурожаат қилмаган эдик. Бир кун пайтдаги «Савоб» хайрия фирмаси раиси Раҳмон Саидов кўпчи саналган экстраенслардан бири — Дилдора Яҳёева ҳақида гапириб қолди. Унинг саванслари жуда яхши натижа бераётганини эшитиб, қузурига бордим. Қорчадан келган, кўзлари қулиб турувчи бу аёлнинг асли касби агрономлик экан. Д. Яҳёева ҳолатини кўздан кечираркан, кўллари билан енгил ҳаракат қилдида, мандаги хасталикни, қандай даволашни кераклигини айтиди. Қабулгига яна икки марта борган дараддан халос бўлиб кетдим. Шундан сўнг бу аёл билан учрашиб, ўзини қизиктирган саволлар билан мурожаат қилдим:

— Дилдора опа, ноёб хасталигингиз борагини қачон билгансиз?

— Чамаси бундан ўн йиллар илгари ўзимда қандайдир яғри табий ҳолатини ҳис этдим. Аъзойи баданни қизиб, ноҳушлик сеза бошладим. Сўяга яқин боргим, сўзгим келадиган бўлиб қолди. Бир шўниб чиқсам анча енгил тортардим. Кейинроқ баданнида паллас-паллас доғлар пайдо бўла бошлади. Албатта шифокор мутахассисларга мурожаат қилдим. Улар аниқ бўлмасда, манда кишиларга шифо беришчи қандайдир қобилият борагини айтишди.

— Бундай хасталикнига оила аъзоларингиз қандай муносабат билдиришди?

— Турмуш ўртоғим Сайфулла Яҳёев дастлаб кишиларни даволашга қарши бўлди, албатта. Аннроғи ишонмадилар. Бироқ мен ўзини кўча ёмон ҳис қила бошлаганимдан сўнг Тошкентдаги экстраенслар жамиятига мурожаат қилишни масала қил бердилар. У ерга бориб Талат Соловьев ҳамда Сайфулла Йўлдошевларга мурожаат қилдим. Улар мени обдон синишди. Унта беморга аниқ диагностика қўйиб берганимдан сўнг мустиқил даволашга йўлланма берди.

— Ҳозир «Савоб» фирмасида саванслар бераётган экансиз, натижаси қандай бўляпти?

ДИЛДОРАДАН ДАВО ТОПИШДИ

— Бундан манда кўра шифо топаётганлардан сўрангансиз ахши бўларди. Шундай бўлса ҳам айтман. Масалан, тошкентлик боғча тарбиячиси Мукамбар Раҳимовани ўпка ракидан даволадим. Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси врач-бактериолог, С. Раҳимов ноҳияси, Тансиқбова массивидаги 12-уйнинг 5-квартирасида истикомат қилувчи Роза Халитова ўт пугагиди 16-17 йиллик тошлардан куттиди. Еки Куйбишев ноҳияси, Солнечный массивидаги 14-уйнинг 26-квартирасида яшовчи Ханифа Раҳимовна бош миёнини органик бузилиш (миа раки) хасталигидан қўриб бўлди. Шунингдек ўт пугаги, буйрак-идаги тошлар тушиб кетди. Келими ноҳиясининг «Еш Ленинчи» жамияти хўжалиги, Лола қўчасидаги 23-уйда истикомат қилувчи Шоира Йўлдошева қандайдир хасталикдан қийнаётгани ҳамда шифокорлар аниқ диагностика қилиб, Қузатишчи унинг ошқозонига яра, ўт пугаги ҳамда буйракда тош бор экан. Олтига саванслар сўнг соғайиб кетди...

— Ман, Шарифа Халилова 35 йил Тошкент бадий буюмлар фабрика-

сида ишладим. Ҳозир эса уйда касалчилик қилмаман. Яқинда қон босимини кўтарилиб, бошим қаттиқ оғриб бошлади, натижада кўзларим ҳам кўрмая қолди. Жуда кўрқиб кетдим. Шифокорларга ҳам бормай тўғри Дилдора қузурига олиб келишди. Унингдан борака толгур, олтига саванслар сўнг тузатди, қўйди. Кўзларим ҳам очилди. Энди Дилдоракон қузурига амакингизни олиб келаялман.

— Дилдора опа, бундай ноёб хасталик оилавида сиздан бошқа кишида ҳам борми?

— Икки синглим ҳам беморларни даволашди. Муяссар кам қонлиқ, асбб касали, туз йиғилиши, кўр, қар, тери касалини, ҳатто пуштисизлигини ҳам даволапти. Мукамбар эса юрак хасталиги, қон босимини даволайди. 1989 йил декабр ойида пайтдаги «Қўёш» илмий-техника маркази, шунингдек «Паркентодстрой» трести жамовиси билан шартнома тузиб, 100 га яқин даволаш саванслари ўтказди. Қўллаб кишилар ошқозон-ичак, буйрак, асбб касалликларида куттишди.

— Айткичи, мана шу «иккинчи касаллигиз» асли касаллигизга ҳалақат бермайдими?

— Йўқ, аксинча. Баҳорда пилла боқиш даврида тут бағри танқис бўлиб қолди. Ушанда то бағри топиб келтирилгунга қадар маълум муддатга ипак куртларини ухлатиб қўйишга муяссар бўлдим.

СИНГАН БИЛЛУРДАН БИНОКОРЛИК АШЁЛАРИ

Тошкентдаги «Минкод» заводда ишлаб чиқариш чикатларидан биноларини пардозлаш учун ишлатиладиган қопчилар чиқариш йўлга қўйилди. Синган биллур қайта эритилган ва қоллига солинади... Бинокорлик материалли шу билан тайёр. Биринчи бўлиб янги материалга хорижий харидорлар қизиқиб билдиришди. Афғонистондаги қурилиш фирмаларидан бирининг вакиллари қорхонада бўлиб, савонсининг квадрат метр «Биллур» қопчини сотиб олиш учун шартнома тузди. Эвазига валюта билан ҳақ тўланади. Янги маҳсулот намуналари Германия Федератив Республикасидаги савон кўргазмасида намоён қилинади.

Жумҳуриятимизда эса янги маҳсулотга харидор топилапти. Эҳтимол бунинг сабаби тегинли ахборотнинг йўқлигидир? Заводдан хабар қилишларича, «Минкод» қизикан ташкилотлар билан шартнома тузиб, уларга бинокорлик материалли етказиб беришга тайёр.

(ЎЗАТАГ мухбири).

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги М. Қорнқубов номли Ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА 5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ

КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ

КОНЦЕРТИ

Программани — Ўқир СИДДИҚОВ олиб боради. Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилямоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА 22, 23, 24 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА Ҳажма номидида Давлат жуофотининг совриндори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган

«ЯЛЛА» АНСАМБЛИНИНГ КҮЙ ВА ҚҶШҚ БАЗМИ

Ансамблининг бадий раҳбари Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Фаррух ЗОКИРОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилямоқда.

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ФОНДСИЗ ЗАЁМЛАРИ БОБИДАГИ ЯНГИЛИК

ССЖИ давлат хазина мажбуриятларининг облигациялари ағдарларининг мафзаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш ва уларнинг тарқатилишини соддалаштириш мақсадида ССЖИ Вазирлар Кенгаши 1990 йил 7 июлда тегишли қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ қуйидагилар жорий этилади:

а) агар давлат мақсадли фондсиз заём облигациялари бўйича мод олиш пайтида қилиб (енгил) автомобиллар бундан мустақило, унинг баҳоси облигация қийматидан ортиқ бўлса, облигация эгаси молни облигацияда кўрсатилган нархда олади;

б) 1990 йил 15 июлдан бошлаб Жамғармалар банклари давлат мақсадли фондсиз заём облигацияларини эркин сотиш ҳуқуқига эга (қиймати енгил) автомобиль билан тўланадиган облигациялардан ташқари).

Давлат фондсиз заёми облигациялари ССЖИ Жамғармалар банкнинг барча ноҳия бўлимида эркин сотилямоқда. Бу ҳолда, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан тушган рўйхатларга қиритилган фуқаролар рўйхатлар тузилган кундан бошлаб 3 ойлик муҳлат ичида бу облигацияларни сотиб олишлари шарт. Агар шу муҳлатдан кейин сотиб олинмаган облигациялар эркин савдога чиқариб юборилди.

ССЖИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛҲОҶ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КҶЧАСИ, 32.



МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: маффура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325787; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; аълолар бўлими — 325727.

